

ХИТОЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР



Муниса АБДУРАХМАНОВА

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
munisa1983@yahoo.com

Аннотация

Мақолада мамлакатдаги босма нашрлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг бошқа турлари ҳақида сўз боради. Уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинади. Матбуотнинг ривожланиши кенг оммага етказилаётган ахборотнинг сифатига, мазмун-моҳиятига кўрсатаётган таъсири баробарида жамият аъзоларининг фикрлаш тарзи, одатлари ва кўникмаларида ҳам ўзгаришлар ясаётгани, шунингдек, оммавий ахборот воситалари мамлакатнинг тараққиёт даражасини, унинг имкониятларини кўрсатувчи омил эканига эътибор қаратилади.

Аннотация

В статье речь идет о печатных изданиях и других средствах массовой информации в Китае. Анализируется их своеобразие. Говорится о том, как развитие прессы в современном обществе оказывает влияние на качество, смысл и суть передаваемой информации, как способствует изменению мысли, обычаев и навыков членов общества. Также СМИ рассматриваются как показатель уровня развития страны и ее возможностей.

Abstract

The article deals with print media in the country, as well as other media. Their specific features are analyzed as much as possible. The emphasis is on improving the quality of the information delivered to the general public, as well as the changes in society's members' thinking, traditions and customs, as well as the level of media coverage of the country, as well as its potential.

Калит сўзлар: Хитой оммавий ахборот воситалари, босма нашрлар, электрон нашрлар, тенденция, ахборот, газета, матбуот.

Ключевые слова: средства массовой информации Китая, печатные издания, электронные издания, тенденция, информация, газета, пресса.

Keywords: Chinese mass media, print media, e-publications, trends, news, newspapers, press.

Замонавий ахборот оқими жадал суръатларда ўсаётган бир даврда оммавий ахборот воситаларининг ҳам шиддат билан ривожланиши кузатилмоқда. Глобаллашув асрида ахборот ёрдамисиз ривожланаётган бирор бир соҳани топиш қийин. Оммавий ахборот воситалари кишиларга маълумот етказиб бериш, дунё ва маҳаллий янгиликлар билан таништиришдаги энг самарали ва муҳим воситалардан саналади. Ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий оммавий ахборот ва коммуникация воситалари мавжуд бўлиб, Хитой Халқ

Республикаси бу соҳада кўплаб ривожланган мамлакатлар билан рақобатлаша оладиган мамлакатлардан биридир.

Ўтган асрнинг 80-йилларида “хитой ислохотларининг бош архитектори” Дэн Сяо Пин ғоялари таъсирида мамлакатда иқтисодий юксалиш бошланди. Ўттиз йил давомида Хитойдагичалик ўсиш суръатларига бирор бир бошқа мамлакат эриша олгани йўқ, чунки бу ерда ҳар йили миллий даромад ўрта ҳисобда 6-7 фоиздан ўсди. Бу республика учун катта ўзгариш, мисли кўрилмаган ютуқ эди. Негаки “маданий инқилоб” (1966-1976йй.) даврида мамлакатнинг тикланиш суръатлари пасайиб кетган эди. Аммо хитой миллий оммавий ахборот воситалари оз фурсат ичида бозор иқтисодиёти тамойиллари таъсирида тараққиёт йўлига тушиб олди. Бу жараёнлар Хитой ОАВга, хусусан, матбуоти мазмунига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Хитой матбуотининг тарихи узок асрларга бориб тақалади. Манбаларда қайд этилишича, дастлабки хитой газетаси “Ди Бао” бундан 1200 йил илгари Тай сулоласи хукмронлиги даврида (619-907йй.) пайдо бўлган бўлиб, у “сарой хабарномаси” маъносини англатган. Илк газеталардан яна бири “Цзин Бао” (“Пойтахт хабарномаси”) 911 йилда илк бор дунё юзини кўрган (2). Бу Европа Римнинг қулашини бошидан кечираётган, халқларнинг кўчиши билан боғлиқ машаққатли бир даврга тўғри келади. Италия маданий қадриятлари таназзулга юз тутгач, жаҳон маданиятининг ўзига хос нурли манзили сифатида Хитой олдинга чиқади. Китоб чоп этиш айнан шу ерда ихтиро қилинади, Пекинда пайдо бўлган биринчи газетанинг ана шу воқеа билан боғлиқлиги ҳақида маълумотлар бор.

“Цзин Бао” газетасининг мундарижаси узок вақтгача фақат император декретлари ва сарой янгиликларидан иборат бўлган. XI ва XX асрларда ушбу нашрнинг уч хил сони чиқадиган бўлди. Биринчи сони “Ишбилармон саҳифаси” сариқ қоғозда чоп этилиб, савдо ва ишлаб чиқариш дунёсига доир янгиликлардан иборат эди. Иккинчи сони ҳам сариқ қоғозда нашр қилинган, у ўша қадимий газетанинг издоши сифатида майдонга чиқади ва “Ҳукумат хабарномаси” деб аталади. Учунчи сони “Маҳаллий варақа” вилоятлар учун мўлжалланган бўлиб, қизил қоғозга босилган. Унда асосан биринчи ва иккинчи сонларнинг қисқартирилган мазмуни тақдим этилган. Ҳар учала газетанинг таҳрири “Нан Лин” – Фанлар академиясининг олти нафар аъзосига топширилган. Шуниси эътиборлики, бу газеталарда амалдорларнинг кирдикорлари ва уларга нисбатан кўрилган жазолар ҳақида ҳам маълумотлар бериб борила эди(2).

Дастлабки хитой газеталарининг ташқи кўриниши бугунгиларига сира ўхшамайди – хитойликлар бир сўзнинг остига иккинчисини (вертикал тарзда) ёзишлари сабаб энсизгина юпқа қоғозларга босилган. Хитойда сўзлар ўнгдан чапга қараб ёзилгани учун ҳам саккиз саҳифадан иборат газетанинг сўнгги, саккизинчи саҳифасининг юқоридан ўнг томонида газетанинг номи, ёнида Хитой ва Европа таквими бўйича йил, ой кўрсатилган. Биринчи саҳифанинг қолган қисми инглиз газеталаридаги каби қатор эълонлар билан тўла бўлган. Қолган саҳифаларда сиёсий хабарлар, император фармонлари, инглиз ва япон газеталаридан олинган телеграммалар, вилоят янгиликлари ва энг охирида

муҳаррирлардан бири томонидан тайёрланган мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисидаги бош мақола тақдим этилган.

XIX асрнинг иккинчи ярми хитой вақтли матбуотининг фаол ривожланиши билан эътиборлидир. Бу нашрларни чоп этиш техник воситаларнинг ривожланиши, газеталарни аҳолига етказиш усуллариининг такомиллашуви билан боғлиқ.

1949 йилнинг 1 октябрида Хитой Халқ Республикаси ташкил этилгани эълон қилинди. ХХРнинг ташкил этилиши хитой журналистикасида янги босқични бошлаб берди.

Халқ ҳукумати биринчи галда эски тузумга тегишли барча инфор­мацион агентликларни, газета ва журналларнинг таҳририятларини, радиоэшиттиришларни ёпди, уларнинг барча техник воситаларини мусодара қилди ва улардан оммавий коммуникацияларнинг янги тизимини бунёд этишда фойдаланди. Натижада Хитойда партиянинг етакчи газетаси “Жэнмин Жибао” (Халқ газетаси), “Синхуа” (“Янги Хитой”) расмий ахборот агентлиги ва Марказий халқ радиоси етакчилигида янги ахборий тизим юзага келди. Ушбу газета ҳозирда ҳам чоп этилиб, дунёдаги энг йирик кундалик нашрлардан бири саналади. 1987 йилда газета дунёнинг энг йирик ва обрўли ўнта газетасидан бири деб тан олинган, “Нью-Йорк Таймс”, “Вашингтон Пост”, “Монд”, “Таймс” ва “Гардиан” сингари нашрлар каби машҳур. Адади 3 млн. нусхадан ошган ушбу газета хитой, рус, инглиз, япон, француз, испан, араб, мўғул, тибет, уйғур, қозоқ, корейс тилларида чиқади. Дунёнинг турли мамлакатларида 70 та корреспондентлик бўлимлари мавжуд, ҳар бирида мингдан ортиқ журналист фаолият юритади. Газета Хитой Коммунистик Партияси Марказий комитетининг нашри ҳисобланади. У ҳукуматнинг расмий нуқтаи назарини ёритади. Бугунги кунда мазкур газетанинг ўнлаб машҳур шўъба нашрлари мавжуд бўлиб, у йирик холдинг ташкилотга айланган. Газетанинг интернетдаги нусхаси асосий халқаро чет тилларида ҳамда Хитойдаги миллатларнинг тилларида тармоққа узатилади. 2001 йилдан рус тилидаги расмий сайти очилиб, ҳозирда ХХРнинг рус тилидаги расмий ахборот порталларининг етакчиларидан бири саналади. Нашрга мавзу танлашда Пекиннинг манфаатлари ва сиёсатига оид маълумотлар олиниб, мақолаларда партиянинг қарашлари, қарор ва ҳукмлари берилади(3).

“Гуанжоу Жибао” газетаси ҳам йирик кундалик газеталардан бири бўлиб, у Хитойнинг биринчи матбаа корпорациясини ташкил қилган. Корпорация матбуотни “ҳажм ва миқдор”га урғу бериш даражасидан “сифат ва юқори самарадорлик” даражасига чиқишига сабаб бўлган (6). Умуман Хитойдаги йирик газеталар турли соҳаларни ёритувчи шўъба газеталарини чоп эта бошлаган, уларнинг ишлаш тизими эса уч асосий йўналишни ўз ичига олган: дайджестлар, кечки янгиликлар, мутахассисликка оид махсус тармоқ янгиликлари. 90-йиллардан сўнг матбаа корпорациялари шиддат билан кенгайиб боради ва янги газеталар сони кундан-кунга кўпаяди. 2005 йилда ХХРда деҳқонлар учун мўлжалланган умумий тиражи 8,5 млн. бўлган 225 номдаги газета чоп этилган (4). Бу эса қишлоқ худудларида истиқомат қилувчи 800 млн. дан ортиқ аҳоли эҳтиёжларини қондиради. Ундан ташқари қатор

шахарларда вилоят ва уездлар учун қўшимча сонлар нашр қилинади. “Бэйжин Жибао” – “Пекин кундалик газетаси” Пекин ва унинг атрофидаги ҳудудлар учун тахминан 410 минг нусхада чоп этилади, шундан 64 фоизи ихтиёрий обуна орқали тарқатилади. Дехқонларнинг энг асосий газетаси “Жуон Гуо Нунминбао” – “Хитой деҳқони” деб номланиб, ҳафтада уч мартаба эълон қилинган. Газета адади 1984 йилда 0,7 млн. нусхани ташкил этган (1). Ҳозирда “Нун мин бао” деб номланиб, кундалик нашрга айланган ва адади 400 минг нусхани ташкил этади. Унинг асосий мақсади Хитой Коммунистик Партиясининг қишлоқ хўжалик соҳасидаги сиёсатини тарғиб қилишдир. Бу турдаги газеталарда қишлоқ хўжалигини юритиш ҳақидаги амалий тавсиялар бериб борилади, шу йўл билан аҳоли орасида қишлоқ хўжалигини оммалаштиради. Шунга ўхшаш ихтисослашган газеталарга “Чжуан ху бао” – “Ихтисослашган деҳқон”, “Син Нунмин” – “Янги деҳқон”, “Фунмин бао” – “Деҳқонлар бойиши учун” ва ҳоказолар киради. Нафақадаги ёши кексалар учун махсус нашрлар ҳам мавжуд. Маълумотларга қараганда, 1999 йилнинг ўзида Хитойдаги турли миллатлар учун 144 та нашр чоп этилган (9). Хитой матбуотининг иқтисодий-хўжалик фаолияти тобора кенгайиб бориши унинг ривожланишининг ўзига хослигини белгилайди.

“China Daily” газетаси Хитойнинг расмий нашри бўлиб, инглиз тилида чоп этилади. Бу газета экспортга оид мавзуларга ихтисослашган бўлиб, муштарийлари жуда кўп. “South China Morning Post” нашри ҳам инглиз тилида чиқарилади, Гонконгнинг бу кундалик газетаси расмий ҳукумат манфаатларига хизмат қилади. “Hong Kong Standard” Гонконгнинг кундалик нашри бўлиб, у аксинча, кўпроқ ХХР ҳукуматига танқидий қарашларини акс эттиришга, ўз нуқтаи назарига кенг жамоатчилик эътиборини қаратишга ҳаракат қилади. “Dagong Bao” нашри эса Хитойдаги қадимий газеталардан бири саналади. Унинг мазмунида бетарафлик сезилиб туради. “Macao Daily” да аксарият ҳолларда маҳаллий хабарлар чоп этилади, глобал аҳамиятга молик ахборотларни учратиш қийин.

Журналлар турлари бўйича партиёга оид, ижтимоий-сиёсий, тармоқ, ихтисослашган, адабий-бадиий ва бошқа йўналишларга бўлинади. 1949 йилда ХХР ташкил топганидан кейин чоп этила бошлаган 305 турдаги журналларнинг 166 таси бугунда ҳам мавжуд давлат нашрларидандир (5). Хитойда энг машҳур журналлар илмий-оммабоп нашрлар ҳисобланади, уларнинг мақсади илмий билимларни оммалаштириш ҳамда илмнинг “маданий революция” даврида тўкилган обрўсини кўтаришга қаратилган. Адади 200 мингдан зиёдроқ бўлган “Чжунго Гайге Бао” шундай журналларнинг биридир.

Хитой матбуотининг бугунги давр талабига, шиддатига, текорилигига тўлиқ жавоб берувчи муҳим жиҳатларидан бири газета ва журналларнинг электрон (интернет) нусхаларининг мавжудлигидир.

Бундан ўн йиллар муқаддам одамлар бекат ва автобусларда ҳам газета ёки журнал ўқиб туришган бўлса, бугун иш, ўқишга шошиб кетаётган кўпчиликнинг телефон ва планшетларидан электрон нашрлар тақдим этаётган янгиликларни ўқиш билан банд эканликларининг гувоҳи бўламиз. Кундан

кунга электрон нашрлар оммавийлашиб, босма нашрларнинг ўрнини эгаллаб бормоқда. Бу эса матбуот бозори йўналиши ўзгараётганидан далолатдир. Газеталарнинг қоғоз форматидан воз кечиш, жуда бўлмаса, уларнинг ўрнини онлайн кўринишлари билан тўлдириш ғарб даврий нашрлар бозоридаги асосий тенденциялардан бирига айланиб улгурди. Матбуотни ҳозирда энг машҳур бўлган ижтимоий тармоқларда чиқиши даврий нашрларни қоғозда чоп этилиши келажакни мавҳумлаштирмоқда.

Бу кўрсаткич дунё миқёсида бир хил, деб айта олмаймиз, албатта. Африка мамлакатлари, Яқин Шарқ ва айниқса, Осиёда босма нашрлар сони кўпайса кўпайдики, асло камаймади. Ғарбда босма нашрлар ўрнига интернет нашрларининг жадал суръатларда кириб келиши умумжаҳон газета нашрлар тиражининг ўсишига сезиларли таъсир қилмади. Аксинча, 2007 йилдан 2011 йилга қадар бу кўрсаткич сезиларли даражада – 4,2% га ўсди.

XXР даврий нашрларни тўлалигича рақамли кўринишдаги муқобилига алмаштиришга шошилмаяпти. Қолаверса, Хитойда 2011 йилда бир йил олдингига нисбатан газета тиражларининг 3%га ўсиши умумжаҳон кўрсаткичларига ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Ривожланаётган давлатлар аҳолисининг кўпайиши, таълим даражаси юксалиб, умумбойликларнинг ортиши бундан кейин ҳам бу динамиканинг сақланиб қолишига саба бўлса, ажабмас. Зеро, жаҳондаги энг кўп нусхада чиқадиган 15 та газетанинг иккитаси хитой нашридир.

Охириги йилларда Хитой газета бозори дунёда энг илғорларидан бири ҳисобланади. Сотиладиган кундалик газеталар сони 2008 йилгача ҳар кеча-кундузда 100 млн. нусхадан ошган. Реклама ҳисобидан келадиган фойданинг ошиши эвазига даврий нашр ва журналларни тиражи кўтарилиб бормоқда.

Хитой аҳолисининг саводхонлик даражаси юксалиши билан газета нашрларига бўлган талаб ортиб бораверди, шунингдек, иктисодий ўсиш, урбанизация ҳамда босма медиа индустрияни тижорийлаштириш омиллари газета тараққиётини янада рағбатлантирувчи омил бўлган. Суонси университети профессори Ву Яннинг айтишича, газеталарнинг асосий фойда манбаи сифатида фақатгина давлат субсидияларига қараб қолмасдан бозор талабларига мослашиши, рекламага таяниши ўқувчиларга ҳақиқатда қизик бўлган ахборотни тарқатиш ва бунга ўз эътиборини қаратиш имконини берди. 2011 йил сўнгида Хитойда 2 мингта газета нашрдан чиққан, мисол учун биргина SanKao Xiao Xi газетасининг адади 3 млн. нусхага етган (7) (қиёслаш учун: АҚШдаги кўп ўқиладиган The Wall Street Journal нинг адади 1 млн.ни ташкил этади).

XXРнинг “Синхуа” ва “Хитой янгиликлари” агентликлари халқаро ахборот агентликлари даражасига кўтарилган. “Синхуа” жуда машҳур агентлик бўлиб, унинг янгиликларни узатишдаги шиори “ҳақиқат, холислик, бетарафлик ва тезкорлик” дир. “Синхуа” жаҳон ахборот майдонининг олтинчи монополиячи агентлиги ҳисобланади. Агентликда иш 7 та хорижий тилда олиб борилади, саккиз минг нафардан ортиқ одам фаолият юритади, унинг раҳбарлигида 40 дан ортиқ йўналишдаги тематик нашрлар чоп этилади. “Синхуа” юборадиган ахборот оқимларидан 300 дан ортиқ радиостанция, 370

га яқин телестудия, 2200 та газета ва 10000 га яқин даврий нашрлар узлуксиз фойдаланиб туради (8).

Тараққиётнинг барча соҳаларидаги шиддатли ривожланиш ва янгиланишларда ОАВнинг хизмати қанчалик юқори бўлса, ОАВнинг бугунги юксалиш ва эътирофга сазовор бўлишида тараққиётнинг ҳиссаси бундан кам эмас. Хитой матбуоти талай соҳаларда бўлгани каби бу жабҳада ҳам ўзининг етакчилигини намоён қилишга муваффақ бўлмоқда. Жадал суръатларда ривожланаётган жаҳон интернет ва ахборот бозорида кучли рақобатчилар кўплигига қарамасдан, Хитой ахборот тизими ўзининг ўзгармас ва мустақкам ўрнини сақлаб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Анализ и прогноз социальной ситуации в Китае. Пекин, 2005. – 56 б.
2. http://Studopedia.ru/16_33897_televidenie
3. <http://people.com.cn>
4. <http://people.com.cn> 7.03 2006 й.
5. <http://people.com.cn> 9.03.2005 й.
6. history-journal.ru2014
7. <http://www.rbc.ru/economics/13/02/2013/570403709a7947fcbd445a46>
8. Цыфры и факты. – Китай. 2005. – 55 б.
9. http://www.univs.cn/univs/lzu/minzufengqing/info_display.php